

**Муминов Нозим Гаффарович,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети "Иқтисодиёт назарияси"  
кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари  
номзоди, профессор

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИНИ ТАШКИЛ ТОПИШИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

уўқ: 330.88

---

**МУМИНОВ Н.Г. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”  
КАФЕДРАСИНИ ТАШКИЛ ТОПИШИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мақолада ЎзМУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ёритилган. Кафедранинг охирги 3-4 йил ичидаги турли йўналишларда амалга оширилган халқаро ҳамкорлик алоқалари батафсил ёритилган. Ушбу йўналишларга қўйидагиларни киритиш мумкин: битирувчиларни етакчи хорижий университетларда магистратурада таҳсил олиши; хорижий университетлар билан ҳамкорликда халқаро жамоа монографиялари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва нашр этиш; дунёнинг етакчи университетлари билан ҳамкорликда халқаро конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш; хорижий университетлар олимлари билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаб чоп этиш; кафедра профессор-ўқитувчиларининг халқаро тадбирларда фаол иштирок этиши; кафедра профессор-ўқитувчиларининг хорижий университетларда малака ошириши ва стажировка ўташи; хорижий университетлар профессор-ўқитувчиларининг ЎзМУ талабаларига дарс ўтишлари; кафедра профессор-ўқитувчиларининг 1000таликка кирган университетларда маъruzalар ўтиши; профессор-ўқитувчиларни халқаро журналларнинг Таҳририят кенгашлари аъзолари сифатида фаолият юритиши ва ҳоказо.

Таянч иборалар: кафедра тарихи; халқаро ҳамкорлик; халқаро жамоа монографияси; халқаро ўқув қўлланма; халқаро конференция; ҳамкорликда илмий мақола; малака ошириши; стажировка; таҳририят кенгаши аъзоси.

**МУМИНОВ Н.Г. ОРГАНИЗАЦИЯ, ФОРМИРОВАНИЕ И ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ  
МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА КАФЕДРЫ "ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ"  
НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА**

В статье описываются особенности формирования и этапы развития кафедры "Экономическая теория" НУУз. Подробно рассмотрены различные направления международного сотрудничества за последние 3-4 года. Основными направлениями международного сотрудничества являются: обучение выпускников в магистратуре ведущих зарубежных университетах; подготовка и издание международных коллективных монографий и учебных пособий с зарубежными университетами; организация и проведение международных конференций совместно с ведущими университетами мира; подготовка и издание научных статей совместно с учеными зарубежных университетов; активное участие профессорско-преподавательского состава кафедры в международных мероприятиях; повышение квалификации и стажировка профессорско-преподавательского состава кафедры в зарубежных университетах; проведение занятий для студентов НУУз профессорами зарубежных университетов; проведение лекционных занятий профессорско-преподавательским составом кафедры в университетах, входящих в топ 1000 университетов; членство в редакционных советах международных журналах и др.

Ключевые слова: история кафедры; международное сотрудничество; международная коллективная монография; международное учебное пособие; международная конференция; научная статья в сотрудничестве; повышение квалификации; стажировка; членство в редакционном совете.

**MUMINOV N.G. ORGANIZATION, FORMATION AND MAIN DIRECTIONS OF INTERNATIONAL COOPERATION OF THE «ECONOMIC THEORY» DEPARTMENT OF UZBEKISTAN'S NATIONAL UNIVERSITY (NUUZ).**

In the article is presented the features of the formation and stages of development of the Department of «Economic Theory» of NUUz. There various areas of international cooperation over the past 3-4 years are considered in detail. The main areas of international cooperation are: training graduates in the master's program at international leading universities; preparation and publication of collective monographs and textbooks with foreign universities; organization and holding of international conferences in conjunction with the world's leading universities; preparation and publication of scientific articles jointly with scientists of foreign universities; participation of the department staff in international events; advanced training and retraining of the teaching staff of the department in foreign universities; conducting classes for NUU students by professors of foreign universities; conducting lectures by the department's teachers at foreign universities included in the top of 1000 universities; membership in editorial boards of international journals, etc.

Key words: history of the department; the international cooperation; international collective monograph; international study guide; international Conference; scientific article in collaboration; training; internship; membership in the editorial board.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш<sup>1</sup>, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига

асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш муҳим вазифалардан биридир. Ушбу қўйилган вазифаларни амалга оширишда олий таълим тизимининг ҳар бир субъекти (университет, институт, академия) фаол иштирок этиши зарурдир. ОТМларнинг бошланғич бўғини ҳисобланган кафедралар фаолиятини такомиллаштириш ва халқаро рейтингларда самарали иштирокини таъминлаш ҳозирги даврнинг дол зарб масаласидир. Шу сабабдан ушбу мақола ЎзМУ "Иқтисодиёт назарияси" кафедрасининг шаклланиши ва халқаро ҳамкорлик муносабатларини амалга оширилиши таҳлил этилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/4545884>

Ўрта Осиё Давлат университети таркибида 1944 йилда Сиёсий иқтисод кафедраси ташкил этилди. Кафедрага 1944-1949 йилларда и.ф.д., профессор Аминов Олим Мўминович, 1949-1959 йилларда и.ф.н., доцент Столяров Д.Д., 1959-1963 йилларда и.ф.н., доцент Тарасюк И.А. мудирлик қилганлар. 1964 йилда кафедра иккига, яъни Гуманитар факультетлар сиёсий иқтисод кафедраси ва Табиий факультетлар сиёсий иқтисод кафедрасига бўлинди.

Иқтисодиёт назарияси кафедраси 1968 йилда Тарих факультети таркибида Сиёсий иқтисод кафедраси номи билан ташкил этилган. Бу кафедрага 1968-1974 йилларда и.ф.д., проф. Ибрагимов Алихон Ибрагимович, 1975 йилда и.ф.н., доц. Қосимов Наримон Азизович раҳбарлик қилганлар. 1975 йилда мазкур кафедра Гуманитар факультетлар сиёсий иқтисод кафедрасига қўшилган ва бу кафедрага 1975-1988 йилларда ю.ф.н., проф. Наточиев Федор Степанович мудирлик қилган.

1979 йилда Фалсафа-иқтисод факультети ташкил этилди ва унинг таркибида алоҳида Сиёсий иқтисод кафедраси шакллантирилди. Бу кафедрага 1979-1990 йилларда и.ф.д., проф. Расулов Мухтор Расулович раҳбарлик қилган. 1991 йилда Иқтисодиёт факультети ташкил топди ва унинг таркибида Иқтисодиёт назарияси кафедраси фаолият кўрсата бошлади. Бу кафедрага 1991-1992 йилларда и.ф.д., проф. Зайнутдинов Сайфутдин Мухиддинович, 1993-1996 йилларда и.ф.д., проф. Абдуғаниев Абдувоҳид Абдуғаниевич, 1997-2002 йилларда и.ф.н., доц. Хошимов Пазлиддин Зухурович, 2003 йилда и.ф.н., доц. Толаметова Зилола Абдужабборовна, 2004 йилда и.ф.д., проф. Хамраев Одил Ҳамзаевич, 2005 йилда и.ф.д., проф. Каримов Рахмонқул Каримович, 2005-2012 йилларда и.ф.н., доц. Умаров Камол Юсупович, 2013-2015 йилларда и.ф.д. Шодмонов Эркин Шерқулович мудирлик қилганлар. 2015 йилдан ҳозирги вақтга қадар кафедрага и.ф.н., проф. Муминов Нозим Гаффарович раҳбарлик қилиб келмоқда.

Иқтисодиёт назарияси кафедраси ташкил топганидан бўён мамлакатимиз олий ўқув юртлалига иқтисодий фанлар ўқитувчиларини ҳамда иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларига юқори малакали кадрларни тайёрлаб келмоқда.

Иқтисодиёт назарияси кафедраси 60310100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) йўналиши бўйича бакалаврлар ва 70310102 Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар

бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларни тайёрловчи кафедра ҳисобланади.

Иқтисодиёт назарияси кафедраси профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил изланувчилари, магистрантлари ва иқтидорли талабалари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг фундаментал ва амалий грантлари асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Иқтисодиёт йўналиши битирувчилари етакчи хорижий университетларда магистратурада таҳсил олишади:

- 2019-2020 ўқув йилида Сайдрасурова М., Хуррамов Б. ва Шоҳиддинова Ш.лар Люблин Иқтисодиёт ва инновация университетида (Польша);
- 2019-2021 йилларда Амонов Далер Зокирович ва Абдусалимов Лазизбек Nanjing University of posts and telecommunications (ХХР)да Master of business administration мутахассислиги бўйича таҳсил олишди.

2019 йилда Қозон Федерал университети Башқарув, иқтисодиёт ва молия Институтининг "Давлат ва муниципал башқарув" кафедраси билан ҳамкорликда минтақаларни мутаносиб ривожланиши муаммоларига бағишлиланган жамоа монографияси<sup>1</sup> ёзилиб нашр этилди.

2020 йилда Адмирал Макаров номидаги Кемасозлик Миллий университет (Украина) "Иқтисодий сиёsat ва ҳафғизлиқ" кафедраси, Томск давлат университети Иқтисодиёт ва менежмент институти (Томск ш, Россия Федерации), "Белгород давлат миллий тадқиқот университети" Иқтисодиёт ва башқарув институти, (Белгород ш, Россия Федерации), Тоҷикистон давлат ҳуқуқ, бизнес ва сиёsat университети (Хўжанд ш., Тоҷикистон Республикаси) билан ҳамкорликда кичик бизнес субъектлари фаолиятига бағишлиланган жамоа монографияси<sup>2</sup> ёзилиб нашр этилди.

<sup>1</sup> И.С.Глебова, С.С.Берман, Р.Р.Садыртдинов, А.А.Воробьев, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Каюмов, А.Т.Умаров, Н.Г.Муминов, Г.К. Жанназарова, А.Ю.Макушина. Социально-экономическое положение территории: международный опыт и перспективы развития. Коллективная монография – Казань: «Рокета», 2019. 276 стр.

<sup>2</sup> Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства в начале XXI века: мировой опыт: коллективная монография – Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с.

2020 йилда Буюк Петр Санкт Петербург Политехника университети (Россия Федерацияси) билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиётни кластерлаштириш масалаларига бағишенган жамоа монографияси<sup>1</sup> ёзилиб нашр этилди.

2021 йилда Қозон Федерал университети Башқарув, иқтисодиёт ва молия Институти билан ҳамкорликда «Индустрисал иқтисодиёт» фани бўйича ўқув қўлланма<sup>2</sup> ёзилиб нашр этилди.

2021 йилда Адмирал Макаров номидаги Кемасозлик Миллий университет "Иқтисодий сиёsat ва хавфсизлик" кафедраси (Николаев ш, Украина), Томск давлат университети Иқтисодиёт ва менежмент институти (Томск ш, Россия Федерацияси), "Белгород давлат миллий тадқиқот университети" Иқтисодиёт ва бошқарув инситути, (Белгород ш, Россия Федерацияси), Полоцк давлат университет (Полоцк ш., Беларусь Республикаси), Беларусь давлат университети (Минск ш., Беларусь Республикаси) билан ҳамкорликда миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиш масалаларига бағишенган жамоа монографияси<sup>3</sup> ёзилиб нашр этилди.

2021 йилда Адмирал Макаров номидаги Кемасозлик Миллий университет (Украина) "Иқтисодий сиёsat ва хавфсизлик" кафедраси, Беларусь давлат университетининг Бизнес институти (Минск ш., Беларусь Республикаси), Россия Халқлар дўстлиги Университети (Москва ш., Россия Федерацияси), Киев миллий савдо-иқтисодий университети (Киев ш, Украина), Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Молия университети (Москва ш., Россия Федерацияси), Тоҷикистон давлат ҳуқуқ, бизнес ва сиёsat университети (Хўжанд ш., Тоҷикистон Республикаси), Одесса миллий иқтисодиёт университети (Одесса ш., Украина), Санкт-Петербург давлат университети (Санкт-Петербург ш., Россия Федерацияси), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети (Москва, Россия Федерацияси), Рос-

сия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Халқ ҳўжалиги ва Давлат хизмати Россия Фанлар Академияси Ижтимоий фанлар институти (Москва ш., Россия Федерацияси), Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Божхона институти, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Академияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш маркази (Тошкент ш., Ўзбекистон), Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳуқуқ институтлари билан ҳамкорликда хуфиёна иқтисодиёт масалаларига бағишенган жамоа монографияси<sup>4</sup> ёзилиб нашр этилди.

2021 йилда Буюк Петр Санкт Петербург Политехника университети (Россия Федерацияси) билан ҳамкорликда рақамли иқтисодиётни экотизимлар масалаларига бағишенган жамоа монографияси<sup>5</sup> ёзилиб нашр этилди.

2019 йил 25-26 апрелда ТИКА Тошкент дастури, Истанбул Сабаҳаттин Займ университети, Анқара тафаккур ва изланиш маркази (ADAM), Анқара Йилдирим Баёзит университети билан ҳамкорликда 14-халқаро ADAM ижтимоий фанлар конгресси доирасида ўтказилган "Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожланиши"<sup>6</sup> мавзуусидаги халқаро конференция ўтказилди.

2021 йил 20 апрелда Адмирал Макаров номидаги Кемасозлик Миллий университет (Украина), Полоцк давлат университет (Полоцк ш., Беларусь Республикаси), МЧЖ "Инновацион технологиялар маркази (Тошкент ш., Ўзбекистон), МЧЖ «E-LINE PRESS» билан ҳамкорликда «Пандемиядан кейинги шароитда иқтисодиётни ривожлантиришни

<sup>4</sup> Современные особенности влияния теневой экономики на постсоветском пространстве и пути смягчения ее последствий. Коллективная монография. –Т.: "Университет", 2021. –372 с.

<sup>5</sup> Экосистемы в цифровой экономике: драйверы устойчивого развития: монография / А. А. Алетдинова [и др.] / под ред. д-ра экон. наук, проф. А. В. Бабкина. – СПб. : ПОЛИТЕХ-ПРЕСС, 2021. – 778 с.

<sup>6</sup> REJUVENATING SILKROAD: PAST, PRESENT AND FUTURE OF TURKEY-UZBEKISTAN RELATIONS EDITORS: PROF. DR. MEHMET BULUT, DR. CEM KORKUT, DR. NOZIM MUMINOV. İSTANBUL, JULY 2019. 1ST EDITION. İSTANBUL SABAHTİN ZAIM UNIVERSITY PUBLICATIONS. ISBN: 978-605-81541-3-3

<sup>1</sup> А.В.Бабкин и колл. авторов. Кластеризация цифровой экономики: теория и практика Монография под ред. д.э.н., профессора А.В.Бабкина. г.Санкт Петербург, 2020 г. С.140-165. <https://labec.spbstu.ru/userfiles/files/monograph/clustering-digital-economy.pdf>

<sup>2</sup> Индустрисал экономика. Коллектив авторов. Учебное пособие. –Т.: "Университет", 2021. 384 стр.

<sup>3</sup> Совершенствование инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Коллектив авторов. Монография. –Т.: "Университет", 2021. 700 стр.

янги архитектураси» мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн конференцияси<sup>1</sup> ўтказилди.

Кафедранинг қуйидаги профессор-үқитувчилари хорижий университетлар олимлари билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаб чоп этишид: Макушина А.Ю.<sup>2</sup>, Амбарцумян А.А.<sup>3</sup>, Жанназарова Г.К.<sup>4</sup>, Азизова С.Х.<sup>5</sup>, Махмудова Г.Н.<sup>6</sup>

Кафедра профессор-үқитувчилари қуйидаги халқаро тадбирларда фаол иштирок этишид:

- Муминов Н.Г. 2019 йил 22-24 май кунлари Қозоғистоннинг Олма ота шаҳрида ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ташкил этилаётган "Осиё-Тинч

<sup>1</sup> Тезисы докладов международной научно-практической электронной конференции «НОВАЯ АРХИТЕКТУРА ПОСТРОЕНИЯ ЭКОНОМИКИ В ПОСТ-ПАНДЕМИЙНОМ МИРЕ». Ташкент, 2021. 340 стр.

<sup>2</sup> Лариса ВДОВИЧЕНКО, Алла МАКУШИНА. Тенденции развития системы государственного регулирования и поддержки малого предпринимательства в Украине и Республике Узбекистан // Biznes-Эксперт. № 6, 2020. С.114-124

<sup>3</sup> Jakhongir Kakhharov, Alla Makushina, Abduvahob Umarov and Anastas Ambartsumyan. (2020). Accelerated Development of the Tourism Industry in the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Vol. 24, Issue 01, 1116-1126. ISSN: 1475-7192. DOI: 10.37200/IJPR/V24I1/PR200301

<sup>4</sup> Демьянова О.В., Жанназарова Г.К. Мировой опыт развития промышленных кластеров. // Казанский экономический вестник, № 1 (39), 2019. С.18-26. ISSN 2305-4212.

<sup>5</sup> Вдовиченко Л.Ю., Азизова С.Х. Мотивация работников как фактор повышения трудовой дисциплины // Иқтисод ва молия. №5,2019 й. Б.32-37

<sup>6</sup> Babkin, A., Tashenova, L., Mamrayeva, D., Makhmudova, G. Digital platforms for industrial clusters and enterprises: Essence and structure. Conference Paper. ACM International Conference Proceeding Series, 2020, 3444486. <http://ide.spbstu.ru/> International Scientific Conference on Innovations in Digital Economy: SPBPU IDE-2020 22 - 23 october, 2020. <https://www.scopus.com/authid/detail.uri?authorId=57222509570>; Babkin, A., Alekseeva, N., Makhmudova, G., Yung, A. Research and assessment of innovatively-active industrial cluster development. Conference Paper. ACM International Conference Proceeding Series, 2020, 3444485. <http://ide.spbstu.ru/> <https://www.scopus.com/authid/detail.uri?authorId=57222509570>; V.V.Glukhov, Y.Y. Boldyrev, E. V. Stelmashonok, L. Krasnyk, Makhmudova G. N. (2021). Computer engineering as the knowledge-intensive core of digital Production: origin and development. «Технологии Industry 4.0 в Арктике» IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (ISSN: 1755-1315) с индексации в базе Scopus и Web of Science.; Makhmudova G. N., E. V. Yeliseyev. The role of structural changes in the modernization of the economy // НТВ СПбГПУ Экономические науки №2, 2021. С. 81-91. [https://economy.spbstu.ru/userfiles/files/volume/E14\\_2\\_2021-2.pdf#page=81](https://economy.spbstu.ru/userfiles/files/volume/E14_2_2021-2.pdf#page=81)

океани минтақасида байналминаллашув сиёсати ва амалиёти" мавзуидаги минтақавий форумда қатнашди.

- Эгамбердиев Ф.Т. 2019 йил 16-20 июнь кунлари Туркия давлатининг Nigde University да бўлиб ўтган халқаро турк конгрессида (UTUFEM) иштирок этди.

- Абулқосимов Ҳ.П. 2019 йил 19 марта Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида "II Юнусовские чтения: Модернизация ценностей Великой Степи как ключевой фактор развития науки и образования" халқаро конференцияда иштирок этди.

- Эгамбердиев Ф.Т. 2019 йил 19 марта Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида "II Юнусовские чтения: Модернизация ценностей Великой Степи как ключевой фактор развития науки и образования" халқаро конференцияда иштирок этди.

2019 йил ноябрь-декабрь ойларида кафедра доценти Махмудова Г.Н. "Эл-юрт умиди" жамғармаси гранти ғолиби сифатида Буюк Петр Санк-Петербург политехника университетида малака ошириди.

2019 йил июль-август ойларида кафедра доценти Жаббаров К.Й. "Эл-юрт умиди" жамғармаси гранти ғолиби сифатида Ҳиндистон Республикасининг гранти ғолиби сифатида Нью-Дехлининг "CDAC NOIDA" илмий текшириш институтида электрон ҳукumatни жорий этиш бўйича стажировка ўтаб қайтди.

Биргина 2021 йилнинг ўзида Иқтисодиёт назарияси кафедраси ЎзМУ талабаларига хорижий университетларнинг қуйидаги 5 та доцент ва профессорларининг дарс ўтишларини ташкиллаштириди. Жумладан:

- Тоғай Ақхожа Асанович Қозоғистон четтиллар ва бизнес карьераси университети доцент (Қозоғистон Республикаси) "Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш" фани бўйича 49 соат ҳажмда маъруза ва амалий машғулотлар ўтди (ЎзМУ ректорининг 19.12.2020 й.даги №02-1726-сонли бўйруғи);

- Курманбаев Серик Кожанович Silkway International University профессори (Қозоғистон Республикаси) "Иқтисодиёт назарияси" фани бўйича 30 соат ҳажмда маъруза ва амалий машғулотлар ўтди (ЎзМУ ректорининг 18.02.2021 й.даги №02-371-сонли бўйруғи);

- Каромат Озодбек Кастаному университети доценти (Туркия) "Иқтисодиёт назарияси" фани бўйича 50 соат ҳажмда маъруза ва амалий

машғулотлар ўтди (ЎзМУ ректорининг 19.12.2020 й.даги №02-1725-сонли бўйруғи);

- Стефен Ричард Кинг Кембридж университети маслаҳатчиси (Буюк Британия) "Тармоқлар ва секторлар иқтисодиёти" фани бўйича 12 соат ҳажмда маъруза машғулотлари ўтди (ЎзМУ ректорининг 26.11.2021 й.даги №02-2126-сонли бўйруғи);

- Бабкин Александр Васильевич Буюк Петр Санк-Петербург политехника университети профессори (Россия Федерацияси) "Рақамли иқтисодиёт" фани бўйича 12 соат ҳажмда маъруза машғулотлари ўтди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий университетининг миллий ва халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш мақсадида Иқтисодиёт назарияси кафедрасининг қуйидаги профессор-үқитувчилари Қозон (Волга бўйи) Федерал университети Бошқарув, иқтисодиёт ва молия Институтида 2021 йил декабрь ойлари маъruzalар ўтишди:

- Абулкосимов Х.П. – и.ф.д., профессор – "Ижтимоий ишлаб чиқаришни оширишни ижтимоий-иктисодий омиллари" модули (12 соат)

- Амбарцумян А.А. – и.ф.н., доцент – "Бюджет муносабатларини номарказлаштириш механизми" модули (12 соат)

- Муминов Н.Г. – и.ф.н., профессор – "Меҳнат ресурсларини тақсимланиши ва аҳоли бандлиги даражасини ошириш" модули (12 соат)

- Хайдаров М.Т. – и.ф.н., доцент – "Россия ва Ўзбекистон бюджет сиёсатини амалга оширишнинг таққослама таҳлили" модули (12 соат)

- Разакова Б.С. – катта ўқитувчи – "Солиқ сиёсатини ривожланиш йўналишлари: Россия ва Ўзбекистонни таққослама таҳлили" модули (12 соат)

Иқтисодиёт назарияси кафедрасининг қуйидаги профессор-үқитувчилари бир неча халқаро журнallарнинг Таҳририят кенгашлари аъзолари сифатида фаолият юритишмоқда:

- Профессор Муминов Н.Г. ва доцент Элов Д.А.лар "Современные технологии управления" (Киров, Россия Федерацияси) халқаро журнали Таҳририят кенгаши аъзоси<sup>1</sup>;

- Профессор в.б. Махмудова Г.Н. "Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономиче-

<sup>1</sup> <https://sovman.ru/author-guideline/editorial-board/>

ские науки" (Санкт-Петербург, Россия) журнали Таҳририят кенгаши аъзоси<sup>2</sup>;

- Доцент Ким Т.В. American Journal of Social and Humanitarian Research (AJSHR) (Американский журнал социальных и гуманитарных исследований) (АҚШ) журнали Таҳририят кенгаши аъзоси<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки "Иқтисодиёт назарияси" кафедрасининг яқин келажақдаги халқаро ҳамкорлик борасидаги истиқбол вазифаларини "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ"<sup>4</sup>да қайд этилган масалалардан келиб чиқиш белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- Мамлакатимиз иқтисодиёти учун керакли бўлган ноёб касблар бўйича тез ва сифатли кадрларни тайёрлаш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолиятини йўлга қўйиш;

- «Эл-юрг умиди» жамғармаси кўмагида кафедра профессор-үқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш;

- Кафедра, факультет ва университет раҳбариятининг саъии ҳаракатлари билан ўқув жараёнига, ҳамда илмий фаолиятга хорижлик юқори малакали педагог ҳодим ва олим жалб этишни мунтазам амалга оширилишини таъминлаш;

- хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланишни таъминлаш мақсадида кафедрада ўқитиладиган фанлар бўйича замонавий ўқув адабиётларини таржима қилишни амалга ошириш;

- кафедрада тайёрланадиган таълим йўналишлари ва мутахассисларни бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;

- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида кафедра профессор-үқитувчилари ва докторантлари академик мобиллиги дастурларини ривожлантириш;

<sup>2</sup> [https://economy.spbstu.ru/editorial\\_board/](https://economy.spbstu.ru/editorial_board/)

<sup>3</sup> <https://www.grnjournals.us/index.php/AJSHR/about/editorialTeam>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октабрдаги ГФ-5847-сон Фармонига 1-ИЛОВА. <https://lex.uz/ru/docs/4545884>

- кафедра профессор-ўқитувчилари ва докторантларини нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиш фаолиятини құллаб-кувватлаш механизмларини жорий этиш;
- “Иқтисод ва молия”, “Замонавий таълим” илмий журналларининг Scopus, ScienceDirect ва башқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;
- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда құшма илмий даража дастурларини ишлаб чиқыш, ҳамкорликда илмий конференциялар ва семинарлар сонини құпайтириш, халқаро илмий лойиҳаларини амалга ошириш;
- ривожланған хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда халқаро құшма илмий журналлар, шунингдек таълим форумлари ва башқа анжуманлар ташкил этиш;

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. - <https://lex.uz/ru/docs/4545884>
2. И.С.Глебова, С.С.Берман, Р.Р.Садыртдинов, А.А.Воробьев, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Каюмов, А.Т.Умаров, Н.Г.Муминов, Г.К. Жанназарова, А.Ю.Макушина. Социально-экономическое положение территорий: международный опыт и перспективы развития. Коллективная монография. – Казань: «Рокета», 2019. 276 стр.
3. Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства в начале XXI века: мировой опыт: коллективная монография. – Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с.
4. А.В.Бабкин и колл. авторов. Кластеризация цифровой экономики: теория и практика Монография под ред. д.э.н., профессора А.В.Бабкина. г.Санкт Петербург, 2020 г. С.140-165. <https://labec.spbstu.ru/userfiles/files/monograph/clustering-digital-economy.pdf>
5. Индустриальная экономика. Коллектив авторов. Учебное пособие. – Т.: “Университет”, 2021. 384 стр.
6. Совершенствование инновационного развития национальной экономики в условиях глобализации. Коллектив авторов. Монография. – Т.: “Университет”, 2021. 700 стр.
7. Современные особенности влияния теневой экономики на постсоветском пространстве и пути смягчения ее последствий. Коллективная монография. – Т.: “Университет”, 2021. –372 с.
8. Экосистемы в цифровой экономике: драйверы устойчивого развития: монография / А. А. Алетдинова [и др.] / под ред. д-ра экон. наук, проф. А. В. Бабкина. – СПб. : ПОЛИТЕХ-ПРЕСС, 2021. – 778 с.
9. REJUVENATING SILKROAD: PAST, PRESENT AND FUTURE OF TURKEY-UZBEKISTAN RELATIONS EDITORS: PROF. DR. MEHMET BULUT, DR. CEM KORKUT, DR. NOZIM MUMINOV. ISTANBUL, JULY 2019. 1ST EDITION. ISTANBUL SABAHTTIN ZAIM UNIVERSITY PUBLICATIONS. ISBN: 978-605-81541-3-3
10. Тезисы докладов международной научно-практической электронной конференции «НОВАЯ АРХИТЕКТУРА ПОСТРОЕНИЯ ЭКОНОМИКИ В ПОСТПАНДЕМИЙНОМ МИРЕ». Ташкент, 2021. 340 стр.
11. Лариса ВДОВИЧЕНКО, Алла МАКУШИНА. Тенденции развития системы государственного регулирования и поддержки малого предпринимательства в Украине и Республике Узбекистан // Biznes-Эксперт. № 6, 2020. С.114-124
12. Jakhongir Kakhharov, Alla Makushina, Abduvahob Umarov and Anastas Ambartsumyan. (2020). Accelerated Development of the Tourism Industry in the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Vol. 24, Issue 01, 1116-1126. ISSN: 1475-7192. DOI: 10.37200/IJPR/V24I1/PR200301

13. Демьянова О.В., Жанназарова Г.К. Мировой опыт развития промышленных кластеров. // Казанский экономический вестник, № 1 (39), 2019. С.18-26. ISSN 2305-4212.
14. Вдовиченко Л.Ю., Азизова С.Х. Мотивация работников как фактор повышения трудовой дисциплины // Иқтисод ва молия. № 5,2019 й. Б.32-37.
15. Babkin, A., Tashenova, L., Mamrayeva, D., Makhmudova, G. Digital platforms for industrial clusters and enterprises: Essence and structure. Conference Paper. ACM International Conference Proceeding Series, 2020, 3444486. <http://ide.spbstu.ru/> International Scientific Conference on Innovations in Digital Economy: SPBPU IDE-2020 22 - 23 october, 2020. <https://www.scopus.com/authid/detail.uri?authorId=57222509570>;
16. Babkin, A., Alekseeva, N., Makhmudova, G., Yung, A. Research and assessment of innovatively-active industrial cluster development. Conference Paper. ACM International Conference Proceeding Series, 2020, 3444485. <http://ide.spbstu.ru/> <https://www.scopus.com/authid/detail.uri?authorId=57222509570>;
17. V.V.Glukhov, Y.Y. Boldyrev, E. V. Stelmashonok, L. Krasnyk, Makhmudova G. N. (2021) Computer engineering as the knowledge-intensive core of digital Production: origin and development. «Технологии Industry 4.0 в Арктике» IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (ISSN: 1755-1315);
18. Makhmudova G. N., E. V. Yeliseyev. The role of structural changes in the modernization of the economy // НТВ СПбГПУ Экономические науки №2, 2021. С. 81-91. [https://economy.spbstu.ru/userfiles/files/volume/E14\\_2\\_2021-2.pdf#page=81](https://economy.spbstu.ru/userfiles/files/volume/E14_2_2021-2.pdf#page=81)
19. <https://sovman.ru/author-guideline/editorial-board/>
20. [https://economy.spbstu.ru/editorial\\_board/](https://economy.spbstu.ru/editorial_board/)
21. <https://www.grnjournals.us/index.php/AJSHR/about/editorialTeam>
22. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига 1-ИЛОВА. <https://lex.uz/ru/docs/4545884>